



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING  
BUYRUG'I**

20 18 yil " 30 01

No 59

Toshkent sh.

**Toшкент давлат стоматология институтининг  
уставини тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 сентябрдаги 714-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофик буюраман:

1. Тошкент давлат стоматология институтининг устави иловага мувофик тасдиқлансин.
2. Тошкент давлат стоматология институти ректори (Ж.Ризаев) институт устави белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши ва тўлақонли фаолият олиб боришини таъминласин.
3. Мазкур устав ваколатли орган томонидан рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб, Тошкент давлат стоматология институтининг Ҳамза туман ҳокимияти Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2014 йил 21 август куни 005243-07-сон билан рўйхатдан ўтказилган устави ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
4. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир в.в.б.



Б.Юсупалиев

007056

Узбекистон Республикаси

Соғлиқни сақлаш вазирининг

2018 йил “30” январдаги

59 -сон буйруғига илова



005243-04

21.08.2014

02.02.2018

МАККАЗ ДИРЕКТОРИ  
M.A. NORMATOV



## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИНИНГ

### УСТАВИ

## I. Үмумий қоидалар

1. Тошкент давлат стоматология институти (кейинги ўринларда матнда ТошДСИ деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йилнинг 22 июлдаги “Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2215-сонли қарорига мувофиқ Тошкент тиббиёт академияси стоматология факультети негизида ташкил қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг (кейинги ўринда матнда вазирлик деб юритилади) ташкилий тузилмасига киради.

2. ТошДСИ давлат олий таълим муассасаси ҳисобланиб, олий таълимнинг асосий ва қўшимча таълим дастурларини бажариш бўйича таълим Дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофик ўқув-педагогик ва илмий-методик, шунингдек, бошқа фаолиятни амалга оширади ҳамда таълим хизматларини кўрсатади.

3. ТошДСИ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа қонун хужжатлари, Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруқлари ва мазкур Уставга амал қилади.

4. ТошДСИ юридик шахс хисобланади. Оператив бошқарувида ўзига хос махсус мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулкий ҳамда номулкий ҳукуқларни амалга ошириши, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа шу жумладан валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган мухрга, штамплар ва бошқа реквизитларга эга.

ТошДСИ жойлашган манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Махтумкули кўчаси, 103 уй.

ТошДСИ нинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги расмий тўлиқ (қиска) номи:

а) давлат тилида:



тўлиқ номи – Тошкент давлат стоматология институти; (лотин алифбосида: Toshkent davlat stomatologiya instituti);

қискартирилган номи – “ТошДСИ”;

б) рус тилида:

тўлиқ номи - Ташкентский государственный стоматологический институт;

қискартирилган номи – “ТашГСИ”;

в) инглиз тилида;

тўлиқ номи – “Tashkent state dental institute”;

қискартирилган номи – “TSDI”.

## II. Институтнинг асосий вазифалари

5. ТошДСИ нинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш асосида бозор иқтисодиёти талабларига мос рақобатбардош, юқори малакали ва ҳозирги замон стоматологиясининг илфор технологияларини эгаллаган стоматология соҳасининг юқори малакали тиббиёт кадрлари ҳамда касбий тайёрлаш (даволаш иши) бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар ва илмий мутахассисларини тайёрлаш;


стоматология, юз-жағ жарроҳлиги соҳаси ва бошка йўналишларда, жумладан биотехнологиялар, ҳужайра ва регенератив тиббиёт соҳаларидаги илфор ютуқлардан фойдаланган ҳолда илмий-амалий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш;

институт клиникаларида аҳолига стоматология соҳасида юқори малакали даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатган ҳолда стоматологик касалликлар диагностикаси, профилактикаси ва уларни даволашнинг илфор усусларини татбиқ этиш;

республиканинг олий тиббиёт таълими тизимида стоматология соҳаси бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда замонавий таълим технологиялари асосида ахборот ва мультимедия ускуналаридан фойдаланган ҳолда илфор хорижий тажрибани жорий этиш

стоматология соҳасидаги тиббиёт мутахассислари ва ўқитувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

шахснинг интеллектуал, маданий ва маънавий –ахлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжларини олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим олиши орқали эришишни қондириш;



ҳар томонлама ривожланган ва содик шахсни, мустақил давлат фукаросини, ўз ватани фидойиси, халқ, жамият ва оила олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилувчи, халқ анъаналарини бойитувчи ва мустаҳкамловчи, Ватанимиз келажаги учун вижданан ва ҳалол меҳнат қилувчи этиб шакллантириш;

илмий-педагогик ходимлар ва таълим олувчиларнинг тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фанни тараққий эттириш, олинган натижалардан таълим ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнида фойдаланиш;

жамиятнинг ахлоқий, маданий ва илмий қадриятларини сақлаш ва бойитиш;

аҳоли ўртасида билимларни тарқатиш, унинг маънавий-маърифий ва маданий даражасини ошириш;

бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан оқилона фойдаланиш асосида ўкув ва илмий-тадқиқотларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш;

талабалар ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва институтнинг озиқ-овқатлар заҳирасидан кенг фойдаланган ҳолда уларнинг соғлом овқатланишини ўрнатилган тартибда ташкил этиш.


### **III. Ўкув-тарбиявий ва илмий-методик ишларнинг субъектлари, уларнинг хукуқ ва мажбуриятлари**

#### **a) Талабалар:**

6. ТошДСИ ректорининг буйруги билан ўқишига қабул қилинган шахс ТошДСИнинг талабаси ҳисобланади. Талабага талабалик гувоҳномаси ҳамда рейтинг дафтарчаси берилади.

ТошДСИга қонунчиликда белгиланган тартибда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий (иккинчи ва кейинги таълим) маълумотига эга бўлган шахслар аризаларига биноан, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тест синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

ТошДСга қабул барча учун (ҳам грант, ҳам тўлов-контракт бўйича) тенг хукуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абигуриентларнинг



давлат гранти бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш хукуки таъминланади. Колган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш хукукига эгадирлар. Конунчиликка мувофиқ тест синовларисиз муайян имтиёз асосида ўқишига қабул қилиш кафолатланади.

7. ТошДСИнинг талабалари қуйидаги хукуқларга эга:

фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш;

Институт ахборот ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар олишга;

аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;

таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазалари, танқидий фикрларини белгиланган тартибда таълим муассасаси, деканат ва кафедра раҳбариятига билдириш ва уларни кўриб чиқилишини талаб қилиш;

Институт ва факультет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиш;

илмий-тадқиқот ишларида ва илмий конференцияларда катнашиш ва уларнинг натижаларини нашр этиш ва бу ҳақида ахборотлар бериш;

Институтда қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида катнашиш;

ўқишдан ташқари вақтларда маънавий-маърифий, таъмирлаш, қурилиш, кўкаламзорлаштириш, қишлоқ хўжалик ва бошқа жамоат меҳнатларда, қонунчиликка зид бўлмаган ишларда иштирок этиш;

факультетлар талабалари ўрнатилган тартибда танлов асосида қабул қилинган курсантлар ҳарбий тайёргарликни Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети захира ва резервдаги офицерлар курсида белгиланган тартибда ўқиш;

Талаба сифатли ва юқори савиядаги билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб этишиши учун зарур бўлган қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа хукуқлардан фойдаланишга ҳаклиdir.

Талаба ўз хукуқларини суистеъмол қилмаслиги, бу хукуқлардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.



8. Давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишининг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги шаклида таълим олаётган Институт талабалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда стипендия билан таъминланадилар.

Талабалар тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси ва бошқа Давлат стипендиялари, шунингдек, ўқишга йўллаган юридик ва жисмоний шахслар тайинлаган стипендияларни олиш хуқуқига эгадирлар.

9. Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

10. Институтнинг Талабалар турар жойига муҳтож талабалари институтнинг талабалар турар жойларидан санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган жой билан таъминланади. Талабалар турар жойларида талабаларга коммунал-маиший хизматлар учун тўловларни инобатта олиб, Институт томонидан белгиланади. Турар жойга муҳтож талабалар мавжуд бўлган ҳолда, Институтнинг талабалар турар жойлари майдонидан бошқа мақсадларга фойдаланиш (ижарага бериш, бошқа келишувлар)га руҳсат этилмайди.

Институтнинг талабалари ўқишдан бўш вақтларида ўрнатилган тартибга асосан меҳнат фаолияти билан шуғулланиш хуқуқига эга.

11. ТошДСИдан четлаштирилган талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

12. ТошДСИ талабалари олий таълимнинг таълим дастурлари ва ўқув режасида назарда тутилган билимларни эгалашлари, топширикларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажаришлари зарур ҳамда ТошДСИ нинг Уставига, ички тартиб ва одоб-аҳлоқ ҳамда талабалар турар жойи қоидаларига риоя этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, талабаларни ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ман этилади.

13. Ушбу Устав ва Институтнинг ички-тартиб ва одоб аҳлоқ қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бузгани тақдирда, талабага нисбатан белгиланган тартибда чора қўлланилиши мумкин.

Талаба институтдан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган тартибда четлаштирилиши мумкин.



14. Талабага нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан маълумот унинг шахсий йиғма жилдида сакланади.

Белгиланган муддатларда фанларни ўзлаштира олмаган (академик қарздор бўлган) талаба олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан курсдан колдирилади.

Академик қарздорлиги туфайли курсдан қолдирилган талаба тўлов-контракт асосида ўқишини қуи курсдаги ўқув семестри бошидан бошлиши мумкин.

Курсдан қолдирилган талаба юқоридаги бандлардаги ҳолатлар бўйича талabalар сафидан четлаштирилиши мумкин.

Талаба Институтдан четлаштирилганда, унга шахсий ҳужжатлари, белгиланган шаклдаги академик маълумотнома топширилади ва уларнинг нусхаси шахсий йиғма жилдида сакланади.

Интизомий жазолар талабаларнинг касаллик ёки таътилда бўлган вакти хисобга олинмаган ҳолда ҳатти-ҳаракат аниқлангандан сўнг бир ойдан ва ҳатти-ҳаракат содир этилганидан сўнг олти ойдан кечикирилмай қўлланилади. Талабалар касаллик пайтида, академик таътил ёки ҳомиладорлик ва туғиш ҳолати билан боғлиқ бўлган таътил пайтларда талабаларга интизомий жазо чораларини кўриш ман этилади.

Талаба касал бўлганлиги ўзи ёки унинг ота-онаси томонидан ёзма ариза билан бевосита деканатга, одатда бир ҳафтадан кечикирилмасдан маълум қилинади.

15. ТошДСИ қошида кадрлар малакасини ошириш факультетида ўқиётган шахслар тингловчилар ҳисобланади. Тингловчиларнинг мақоми таълим хизматларини олиш қисми бўйича Институтда мувофиқ ўқув шаклида таълим олаётган талабанинг мақоми билан тенглаштирилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартиби, тингловчиларни ўқитиш шартлари ва ҳукуқлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли норматив-ҳукукий ҳужжатлар билан белгиланади.

16. ТошДСИ нинг докторантлар ва мустақил изланувчилари муайян йўналиш бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган ва фалсафа доктори, фан доктори (PhD ва DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаган шахслар ҳисобланади.

Узбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда мутахассисликни чукур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (PhD), ёки фан



доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун илмий тадкиқот ишини олиб бораётган шахс –докторант хисобланади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган холда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва  
химоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур үрганиш ва улар томонидан илмий  
изланишлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини  
алиш учун диссертация тайёрлаётган шахс – мустақил изланувчи ҳисобланади.

17. Олий ўкув юргидан кейинги таълим институтида ўқиши муддати уч йилгача хисобланади.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун таянч докторантурага, мустакил изланувчиликка магистр даражаси ёки клиник ординатура, ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги дипломга эга бўлган, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқикоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган муайян илмий натижаларга, шу жумладан, илмий журналлар ва нашрларда чоп этилган камидаги битта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарларда, тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камидаги икта тезисга эга бўлган, икки йилдан кам бўлмаган илмий-педагогик стажга ёки аниқ илмий ютуққа (ихтиро патент ёки муаллифлик гувохномаси) эга бўлган шахслар расмийлаштирилади.

Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун фан доктори ёки фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган илмий даражалар, фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олингандан сүнг мухим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил килиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида икта тезисга эга бўлган шахслар расмийлаштирилади.

Олий ўкув юртидан кейинги таълим институтига қабул қилиш, тугатиц, шунингдек, диссертация устида ишлаётганликлари учун имтиёз бериш, уларнинг хукуқ ва маъбуриятларини белгилаш каби масалалар қонун хужжатларида белгиланган гартибда амалга оширилади.

18. ТошДСИ да профессор-үқитувчилар таркиби, илмий ходимлар, мухандислик-техника, үкув-ёрдамчи ва бошқа хизматчилар лавозимлари мавжуд.

Профессор-ұқытұвчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта  
ұқытұвчи, ұқытұвчы, асистент ва ұқытұвчи-стажёр лавозимлари киради.

19. Профессор-ұқытывчилар таркибидаги лавозимларни әгалдаң қонун  
хұжаттарда белгиланған тартибда амалга оширилади.



Институтнинг проректори ректор тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентги девони билан келишилган ҳолда тайинланади. Факультет декани Вазирлик билан келишилган ҳолда Институт ректорининг буйруғи билан тайинланади.

20. ТошДСИ нинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари қуидаги ҳукукларга эга:

белгиланган тартибда олий таълим муассасаси ва факультет Кенгашларига сайлаш ва сайланиш;

Институтнинг фаолиятига таалуқли масалаларни мухокама қилишда иштирок этиш;

Институтнинг ахборот-ресурс маркази, ўкув ва илмий бўлинмаларнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан жамоа шартномасига мувофиқ фойдаланиш;

ўқитишининг услуб ва воситаларини таълаш, ўкув ва илмий жараённинг юқори сифатини таъминловчи илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;

Институт маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан конунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;

конунчиликда белгиланган тартибда танловда қатнашиш, лавозимларни эгаллаш;

ўзлари ишлаётган кафедра, факультетдан ташқари бошқа факультет, кафедра, ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаш (асосий иш жойи билан келишган ҳолда);

хорижий ҳамкасларнинг соҳага доир илмий ва ўкув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмасиш;

ўз фани бўйича сифатли дарсликлар ва ўкув қўланмалар тайёрлаш;

назарий билимларини амалий тажрибасини, илмий тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;

талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

грантлар, илмий лойиҳалар, хўжалик шартномаларида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасига оид конунчилигида белгиланган бошқа ҳукуклардан фойдаланиш.

21. ТошДСИнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларнинг мажбуриятлари қуидагилардан иборат:

таълим тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат, технология ва ижро интизоми, Институт Устави, Ички меҳнат тартиби-қоидаларига қатъий риоя қилиш, ўзининг хизмат вазифаларини вижданан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доғ туширмаслик;

иш жараёнида мулоқот қиласидаган Институт ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан хушфеъл муносабатда бўлиш;



иш берувчининг қонуний фармойишларини бажариш, хар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:

а) ўқув юкламалари ҳажмини, ўқув-услубий, илмий, ўқув-ташкилий ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва маънавий-маърифий ишларда иштирок этиш;

б) дарслик, ўқув қўлланма тайёрлаш, ўқув абадиётлари, илмий мақолалар, монографиялар ёзиш;

в) тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда бевосита иштирок этиш, шу жумладан дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда;

д) Кенгаш томонидан тасдиқланган кафедра илмий мавзуларида иштирок этиш;

е) ўз малакасини мунтазам равища ошириш;

академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун ҳамкорликда янги авлод ўқув адабиётлари, ўқув-услубий мажмуалар яратиша иштирок этиш;

тиббиёт соҳаси бўйича академик лицей ва касб-хунар коллежларида очик ва муаммоли машғулотлар ҳамда “мастер-класс” ўтказиш, маънавий-маърифий тадбирларида иштирок этиш, замонавий ахборот-коммуникация ҳамда педагогик технологиялар асосида таълим сифатини оширишга кўмаклашиш;

мехнатни муҳофаза қилиш хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларига риоя қилиш;

Институтнинг мол-мулкини асраб-авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;

иш берувчига бевосита етказилган хақиқий моддий заарни қоплаш;

Институт жамоатчилик ишларида қатнашиш;

педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш;

замонавий цивилизация ва демократия шароитида таълим олувчиларнинг

танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича юксак касбий тайёргарлиги, меҳнатга бўлган қобилиятни шакллантириш;

чет тили ва ахборот технологияларидан саводхонлигини ошириб бориш;

таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорија жодий қобилиятни шакллантириш;



“Устоз-шогирд” тизимида иштирок этиб, ўзига бириктирилган шогирдлар билан илмий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш;

ўзининг одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўрнак бўлиш; кийиниш маданиятига риоя этиш;

республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва жаҳонда рўй бертаётган янгиликлардан хабардор бўлиш;

Институт, факультет, кафедра томонидан ташкил этиладиган маданий, маънавий, маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш;

ўзи ўқитадиган фан дастурини фан ва техника ютуқлари асосида мунтазам бойитиб бориш;

дарсларни юқори савияда ўтиш;

фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни таништириб бориш;

ҳар ўқув йили бошлангунга қадар ўзи ўқитадиган фан(лар)нинг ишчи ўқув дастури, календарь режаси ва рейтинг назоратлари жадвалини ишлаб чиқиши ва кафедра мажлисида тасдиқлаш;

рейтинг тадбирларини ўз вақтида ўтказиш;

талабалар билимини холисона баҳолаш;

янги педагогик технологияларни дарс жараёнида қўллаш;

илмий салоҳият ва педагогик маҳоратини ошириш;

талабалар илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

хўжалик шартномалари асосида илмий тадқиқот ишларини бажариш ҳамда пуллик таълим ва сервис хизматларини кўрсатиш;

олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол катнашиш;

22. ТошДСИнинг профессор-ўқитувчилари таркибининг уч йилда камида бир марта малакасини ошириш кафолатини таъминлайди.

23. ТошДСИнинг маъмурий-хўжалик, муҳандислик-техника, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизмат ходимларининг ҳуқук ва мажбуриятлари Институтнинг Ички тартиб- қоидалари ҳамда лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

#### IV. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишлар

24. ТошДСИ қуйидаги йўналиш ва мутахассисликлар стоматология таълим йўналиши ва мутахассисликлар бўйича олий таълим ва олий ўқув юртидан



кейинги таълимнинг асосий таълим дастурлари, қўшимча таълим (кадрларни зайди тайёрлаш ва малакасини ошириш) дастурларини амалга оширади:

а) ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда (бакалавриат) ўкув шакли стоматология, касб таълими (даволаш иши), даволаш иши;

б) магистратура ортопедик стоматологияси, жарроҳлик стоматологияси, терапевтик стоматологияси, болалар стоматологияси, юз-жараф жарроҳлиги стоматологияси мутахассислиги бўйича.

Институтда кадрлар истеъмолчилари талаблари асосида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи билан янги йўналиш ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил этилиши мумкин.

25. ТошДСИ таълимнинг асосий таълим дастурларини икки босқичда амалга оширади: бакалавриат ва магистратура.

Бакалавриат – таълим йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи ўқиш муддати 4 йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир.

Бакалавриат дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунлари асосида таълим йўналиши бўйича “бакалавр” даражаси берилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

Магистратура – йўналишнинг муайян мутахассислиги бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, бакалавриат негизида, ўқиш муддати камида 2 йилдан кам бўлмаган олий таълимдир.

Магистр дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига мувофиқ муайян мутахассислик бўйича «магистр» даражаси берилади ва давлат намунасидаги диплом топширилади.

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидаги диплом унинг эгаларига касбий фаолият билан шуғулланиш ёки танланган таълим йўналишига ва мутахассислигига мувофиқ таълим муассасаларининг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттириш хукуқини беради.

Олий таълимнинг турли босқичида асосий таълим дастурлари бўйича дастлабки таълим олиш, иккинчи олий таълим олиш сифатида каралмайди.

26. ТошДСИда таълим жараёнини ташкил этиш, Институт томонидан ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган ўкув режалари ва фанларнинг дастурлари, Институт ректори (ўкув ишлари бўйича проректор) томонидан тасдиқланадиган йиллик календарь ўкув жадвали ҳамда машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

Таълим жараёнини мақсадли йўналтириш йўли билан ташкил этиш, яъни таълим шакллари, услугуб ва воситаларни танлаш йўли йўниданинг учителигу



табаларига олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзлаштириш учун зарурий шароитларини яратиб берилиши лозим.

Таълим-тарбия жараёнининг бирлиги давлат таълим стандартлари билан таъминланди. Институтнинг ижтимоий-иктисодий ва гуманитар фанлари кафедралари, маънавий-маърифий ва спорт бўғинларига, талабалар ва бошка жамоат ташкилотларига раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини музофикалаштириб бориш маънавий ва маърифий ишлари бўйича проректор томонидан амалга оширилади.

27. ТошДСИда ўқув машғулотларининг қўйидаги асосий турлари белгиланган: маъруза, консультация (маслаҳат), семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, якка машғулот, назорат иши, мустақил иш, амалиёт, бекалаврлик битириув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияси.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 80 дақиқалик академик соат белгиланган. Ўқув машғулотлари орасидаги танаффус 10 дақика.

Таълим ва тарбия олиб бориладиган тиллар: ўзбек ҳамда рус тиллари.

28. ТошДСИда кадрлар тайёрлаш ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда олиб борилади.

Олий таълимнинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва "Ўзстандарт" агентлигига давлат рўйхатидан ўтказилган давлат таълим стандарти қўлланилади.

29. ТошДСИда ўқув йили икки семестрга бўлинади ва унинг ҳар бирида талабаларнинг ўзлаштириши рейтинг назорати шаклида олиб борилади.

Ўзлаштирувчи талабаларни курсдан курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига биноан ректор буйруғи билан амалга оширилади. Талабаларни курсдан курсга шартли ўтказиш мумкин эмас.

Олий таълимнинг таълим дастурларини ўзлаштириш конун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

30. ТошДСИда илғор педагогик ва ахборот технологиялари, таълимни индивидуаллаштириш ва мустақил таълим олиш воситаларини, модул тизими ҳамда масофавий таълим беришни қўллаш ҳисобига мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишлар амалга оширилади.

31. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институти олий таълим муассасасида таянч докторантурा, докторантурा ёки мустақил изланувчилик шаклларида олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга ошириш тизими.



Таянч докторантура ва докторантура тиббиёт фанлари (14.00.00 ихтисослик шифри) ихтинослиги бўйича

32. ТошДСИ олий ўкув юртидан кейинги таълим доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация комиссияси замонидан тасдиқланган “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар мутахассисликлари рўйхати”га мувофиқ тегишли вазирлик (идора) рухсати асосида таянч докторантура, докторантура орқали илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, шунингдек фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертациялар тайёрлаш ва ҳимоя келиш учун Институтга изланувчиларни бириктириш ишлари амалга оширилади.

ТошДСИ хузурида тиббиёт фанларининг стоматология, кўз ишалликлари, оториноларингология ихтинослиги (14.00.21, 14.00.08, 14.00.04 ихтисослик шифри) бўйича фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини бериш юзасидан ихтиослашган Илмий кенгаш ғавотият кўрсатади.

33. ТошДСИ Кенгашнинг тематик режалари бўйича, бажариладиган ишларнинг сифати ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда талабалар, докторантлар, мустақил изланувчиларни кенг жалб этиб, илмий-тадқиқот ва ижодий ишларни олиб боради.

34. Илмий тадқиқотлар қўйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

фан, техника ва маданиятнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотларни бажариш учун ежратиладиган давлат бюджети маблағлари;

шартнома асосида соҳавий вазирliklar, идоралар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқалар, шу жумладан хорижий ташкилотлар маблағлари, шунингдек қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан.

## V. Институтнинг таркиби

35. ТошДСИнинг таркибига қўйидагилар киради:

- а) 5 та факультетлар;
- б) 27 та кафедралар;
- в) бошқарма ва бўлимлар:
  1. Ўкув-услубий бўлим
  2. Магистратура бўлими
  3. Ҳалқаро бўлим
  4. Ходимлар бўлими



- 5.Мониторинг ва ички назорат бўлими
- 6.Маънавият ва маърифат бўлими
- 7.Бухгалтерия
- 8.Режа-молия бўлими
- 9.Маркетинг бўлими
- 10.Таҳририй-нашриёт бўлими
- 11.Биринчи ва иккинчи бўлим
- 12.Юрисконсульт
- 13.Девонхона ва архив бўлими
- 14.Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими
- 16.Ахборот-ресурс маркази
- 17.Ахборот технологиялари маркази
- 18.Фуқаро мудофааси ва меҳнат муҳофазаси бўлими
19. Илмий тадқиқот ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими
  - г) Лаборатория;
  - д) Виварий;
  - е) Институт клиникаси (консультатив поликлиникага эга бўлган);
  - ё) Талабалар стоматология поликлиникаси;
  - ж) Институт ҳузуридаги Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий маркази (кейинги ўринда матнда Марказ).

**Марказ:**

Тиш ва оғиз бўшлиғи касалликларини даволашнинг самарали усуулларини ишлаб чиқиши, илғор стоматология технологияларини, шу жумладан юз-жағ соҳасидаги тўқималар ва органларни тиклаш чоғида остеопластика, биологик ва сунъий материалларнинг қўлланиш каби технологияларни жорий этиш юзасидан чукур илмий изланишларни олиб бориш бўйича институтнинг асосий тадқиқот бўлинмаси ҳисобланади;

халқаро стандартларга мувофиқ стоматологик касалликлар диагностикаси, профилактикаси ва уларни даволашнинг илмий-методологик базаси такомиллаштирилишини таъминлайди ва шунга асосланаб, стоматология соҳасида давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқади, шунингдек стоматолог врачларни қайта тайёрлаш ва малакасини оғизриш билан шуғулланади.



и) Институт ҳузурида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган  
Кураторлар кенгаши;

й) Институт қошида академик лицей фаолият кўрсатади. ТошДСИ  
қошидаги академик лицей Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017  
йил 26 сентябрдаги ПФ–3290-сон қарори билан ташкил этилган.

Тошкент давлат стоматология институти академик лицейи Давлат  
таълим стандартларига мос равишда ўрта-максус маълумот берувчи,  
ўкувчиларнинг қизиқиши ва имкониятларидан келиб чикиб,  
чуқурлаштирилган таълим йўналишлари бўйича ўқитиш, олий таълимга  
мақсадли йўналтириш, шунингдек, максус чуқурлаштирилган тайёргарликни  
талаб этмайдиган алоҳида мутахассислик берувчи давлат таълим  
муассасасидир.

## VI. Институтни бошқариш

36. ТошДСИни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги  
ҳамда ушбу Уставга мувофиқ якка раҳбарлик ва институтнинг Кенгаши,  
Васийлар кенгаши орқали жамоатчилик бошқарувини уйғулаштириш  
тамойили асосида амалга оширилади.

37. ТошДСИни бевосита бошқариш лавозимига белгиланган тартиб  
асосида тайинланадиган ректор томонидан амалга оширилади.

Ректор Институт фаолиятига, шунингдек, Институтнинг Устави, Ички  
тартиб-қоидалари, Олий таълим тўғрисидаги Низом ҳамда мазкур Уставда  
белгиланган мажбуриятлар учун тўла масъулдир.

Ректор Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги мувофиқ Институт  
номидан ишончномасиз иш олиб боради, барча идоралар, муассасалар,  
корхоналарда унинг вакили сифатида қатнашади. Институтнинг мол-мулкига  
масъуллик қиласи, шартномалар тузади, ишончномалар беради, банк  
муассасаларида Институтнинг ҳисоб ракамларини очади, молиявий  
маблағлардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш бўйича фармойишлар  
беради.

Ректор Институтнинг ваколати доирасида:

Институтнинг барча ходимлари, талабалари ва бошқа таълим  
олаётганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва топшириклар  
беради;

Вазирлик билан келишилган ҳолда факультет деканларини ва бosh  
бухгалтерни лавозимига тайинлайди ҳамда лавозимидан озод киласи;



Институт деканларининг муайян вазифалари ҳамда масъулиятларини белгилайди;

Институт ходимлари ва хизматчиларини, шунингдек, илмий-педагогик ходимларини Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ишга олиш ва бўшатишни амалга оширади;

Институт таркибига кирган илмий тадқиқот, тажриба-экспериментал ҳамда бошқа ташкилот ва бўлинмаларнинг вазифаларини белгилайди ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

Институт ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар ва қўшимчаларни белгилайди;

касаба уюшма қўмитаси ёки Институтнинг бошқа ваколатли органи билан келишган ҳолда Ички тартиб-қоидаларини тасдиқлайди;

Институтда Намунавий штат бирликларига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳамда иш ҳақи фонди, тасдиқланган институт ходимларининг сони ва лавозим маошлари, тариф сеткаси доирасида институт профессор-ўқитувчилари таркиби ва институт ходимларининг штат бирлигини тасдиқлайди ҳамда лавозим маошларини белгилайди;

Институт Кенгашининг тавсиясига кўра ўрнатилган тартибда тегишли норматив-хукуқий хужжатларга мувофиқ факультетларни, кафедраларни очиш ёки ёпиш қарорларини тасдиқлайди;

Институт Кенгашининг тавсиясига кўра кафедралар ташкил этилади ёки тугатилади.

Институт ректорига ўзи ишлаётган институтида ва ундан ташкарида ҳақ тўланадиган бошқа раҳбарлик лавозимида (илмий ва илмий-методик раҳбарликдан ташқари) ўриндошлик бўйича ишлашга рухсат этилмайди.

Ректор ўз вазифаларини ўриндошлик бўйича бажариши мумкин эмас.

38. “Олий таълим тўғрисидаги Низом”га мувофиқ ТошДСИда Институт фаолиятининг асосий масалаларини кўриш учун Кенгаш ташкил этилади.

Кенгаш таркибига ректор киради ва Кенгаш раиси ҳисобланади, проректорлар, факультет деканлари ва мутахассислар тайёрловчи кафедралар мудирлари, шунингдек, талабалар ва Институт ходимлари, касаба уюшмаси кенгashi вакиллари киради. Кенгашнинг бошқа аъзолари умумий мажлисда (конференцияда) яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Профессор-ўқитувчилар таркибидан Кенгашга сайланадиганлар сони ректор бўйруғи билан белгиланади.



Кенгашнинг ваколати, уни сайлаш ва фаолият юритиш тартиби, таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган “Олий таълим муассасининг Кенгаши тўғрисидаги Низом” билан белгиланади.

39. ТошДСИда Васийлик кенгаши институтни бошқарувчи жамоатчилик органини ташкил этилади ва унинг таркибига муассис-вазирликлар, маҳаллий ҳокимият, ишбилармон доиралар, жамоатчилик ташкилотлари, жамғарма ва васийлар, бошқа таълим муассассаларининг вакиллари киради.

Васийлик кенгашининг таркиби, ваколатлари, шакллантириш таркиби ва фаолияти “Васийлик кенгаши тўғрисидаги Низом” билан белгиланади.

40. ТошДСИда касаба уюшмалари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолият кўрсатади. Талабалар ва ходимлар манфаатларини ҳимоялашни таълим ва фан касаба уюшмалари ҳамда уларнинг Институтда сайланган органлари амалга оширади. Талабалар ва ходимларни ваколат органларининг хукуқлари ва уларга нисбатан Институт маъмуриятининг мажбуриятлари куйидагилардир:

ходимлар вакиллик органларининг хукуқларига риоя килиш, уларнинг фаолиятига кўмаклашиш;

ходимлар вакиллик органларининг таклифларини ўз вактида кўриб чиқиш ва қарор қилинган қарорлар ҳақида уларга ёзма равишда асосли жавоб бериш;

ходимларнинг вакиллик органлари аъзоларини Институтга, манфаатлари ифода этилаётган ходимларнинг иш жойларига монеликсиз кўйиш;

ходимлар вакиллик органларига меҳнат, Институт фаолияти масалаларига ва бошқа ижтимоий-иктисодий масалаларига доир ахборотни текин бериш;

ходимларнинг вакиллик органларига ўз вазифаларини бажариш учун зарур шароит яратиб бериш;

ходимларнинг вакиллик органларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

Амалдаги низомларга мувофиқ ТошДСИда илмий жамиятлар ва ихтиёрий жамиятлар, илмий-услубий, илмий-техник кенгашлар ва комиссиялар, ёш олимлар кенгаши ва бошқалар ташкил этилиши мумкин.



Ректорат ва Кенгаш ўз фаолиятида институт жамоатчилик ташкилотларининг тавсияларини кўриб чиқади ва уларни ҳисобга олади.

41. ТошДСИнинг факультетини Вазирлик билан келишилган ҳолда ректор томонидан тайинланган декан бошқаради.

Факультет декани ўз фаолиятида “Олий таълим муасасаси факультетининг Кенгаши тўғрисида”ги Низомга амал қилади.

“Олий таълим муасасаси факультетининг Кенгаши тўғрисида”ги Низомга мувофиқ факультетда Кенгаш ташкил этилиши мумкин.

Кенгашнинг таркиби, ваколатлари, шакллантириш ва фалиятининг тартиби “Олий таълим муасасаси факультетининг Кенгаши тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

Кафедра фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ танлов асосида институтнинг Кенгаши томонидан сайланадиган мудир раҳбарлик қилади.

## VII. Молия-хўжалик фаолияти ва моддий-техник база

42. ТошДСИга ушбу Уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида оператив бошқариш ҳуқуқи билан давлат (таъсисчи) томонидан бинолар, иншоотлар, мулкий мажмуалар, Институт паспортига мувофиқ тиббий ва бошқа асбоб-ускуналар, шунингдек истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган мулклар бириклилган.

ТошДСИ фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга ошириладиган давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектлар қаторига киритилган.

ТошДСИга ажратилган ер участкалари Институтга муддатсиз текин фойдаланиш учун бириклилган.

43. ТошДСИ жисмоний ва юридик шахслардан совға, ҳадя ёки васият бўйича берилган пул маблағлари, мол-мулк ва бошқа мулкий объектларга, институт фаолиятининг самараси ҳисобланган интеллектуал ва ижодий маҳсулотларга, шунингдек ўз фаолияти орқали оладиган даромадлар ва бу даромадлар ҳисобидан сотиб олинадиган мулкий объектларга эгалик қилиш ҳуқуқи берилган.

44. ТошДСИ мол-мулкни ижарага олевчи ва мол-мулкни ижарага берувчи сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эта Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа конун-хуяжатларига



мувофиқ институт ўзига бириктирилган ижарага берилиши қонун хужжатларига зид бўлмаган бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмлари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулки ва бошқа мол-мулкларни институт Кенгашининг розилиги билан тасарруф этиш хуқуқисиз, қонунда белгиланган нархлар бўйича ижарага беришни амалга оширади.

Ижара хақи сифатида олинган маблағлар таълим жараёнини таъминлаш ва уни ривожлантириш учун фойдаланилади.

45. ТошДСИнинг таълим фаолиятини молиявий таъминлаш давлат грантлари асосида мутахассислар тайёрлаш учун ажратилган бюджет маблағлари, давлат томонидан белгиланган нормативлардан келиб чиқкан ҳолда қайта тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш ҳисобига ажратилган маблағлар, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан талабалар ва тингловчиларни ўқитиш учун белгиланган тартибда олинган тўлов-шартнома асосидаги маблағлар ва тадбиркорлик тушумлари ҳисобидан амалга оширилади.

46. ТошДСИ олий таълим муассасанинг асосий фаолиятига заар етмайдиган тартибда таълим ҳамда бошқа соҳаларда пуллик таълим ва сервис хизматларини амалга ошириши мумкин.

Институт шуғулланадиган тадбиркорлик фаолияти унинг уставида белгиланган вазифаларга мос келиши керак.

Институт ўз мулки билан хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав жамгармасида қатнашиш, пуллик таълим хизматлари, консультациялар ва бошқа хизматлар учун нархларни белгилаш, солиқ ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан сўнг қолган даромадни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Институт пуллик таълим хизматлари кўрсатишини, бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидаги таълим фаолияти доирасида ва унинг ўрнига амалга оширилиши мумкин эмас.

Институт Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда мазкур Уставга зид бўлмаган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш бўйича масалаларни мустақил ҳал қиласи.

47. ТошДСИда лавозим маошлари меҳнат шартномаси (битими) тузилаётганда “Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳак тўлаш тўғрисида Низом” ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф септасига мувофиқ белгиланади. Институт ходимига лавозим маоши (ставка), ўз функционал вазифаларни ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган

ишларни бажарганлиги учун тўланади. Қўшимча маош, устама ва бошқа моддий рафбатлантириш тадбирларининг ҳажмини Институт мустақил, иш ҳақи фонди доирасида қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва ҳажмда белгилайди.

Белгиланган маошлар аттестация натижасига кўра факат уни ошириш мақсадида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

48. ТошДСИда ташкил этилган жамоат ташкилотлариға фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган хоналарни ажратади ва уларни тозалашни ташкил этади.

Институт қошидаги тиббий пункт, шунингдек, унинг ҳудудида жойлашган ёки Институтнинг балансида бўлган ҳамда талаба, тингловчи ва ходимларга хизмат кўрсатувчи ошхона ва бошқа умумий овқатланиш муассасаларига иситиш, ёритиш ва сув таъминоти билан таъминланган хоналар ажратилади.

Институтнинг тегишли биноларини таъмирлаш, реконструкция килиш ёки янгиларини куриш, уларнинг молиявий таъминоти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

### VIII. Халқаро ҳамкорлик

49. ТошДСИ Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Конунига мувофиқ таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этади, чет давлатларнинг тегишли ўкув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун хужжатларида белгиланган тартибда улар билан кўшма ўкув юртлари ташкил этиш хуқуқига эга.

Чет эл фуқароларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, Институтнинг илмий-педагогик ходимларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўқитувчилик ва илмий-тадқиқотчилик ишлари давлатларнинг таълимни бошқариш бўйича тегишли органлари орасидаги шартномалар, шунингдек ТошДСИнинг қонунчиликка мувофиқ чет эл фуқаролари ва хорижий юридик шахслар билан бевосита тузган шартномалари асосида амалга оширилади.

50. ТошДСИ куйидаги хуқуqlарга эга:

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари деб каралиши мумкин бўлмаган, хорижий шериклар билан ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида белгиланган тартиб асосида шартномалар тузиш;



хорижий шериклар иштирокида Институтнинг таркибий бўлинмалари (марказлар, лабораториялар, техник саройлар ва бошқа бўлинмалар)ни қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ташкил этиш.

51. ТошДСИ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ушбу Уставда назарда тутилган ва “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга, шунингдек халқаро алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган ташки иқтисодий фаолият билан шуғулланиш хуқуқига эга.

52. Институтнинг ташки иқтисодий фаолиятидан тушган валюта, моддий тушумлари қонунчиликка биноан унинг уставида белгиланган фаолиятини таъминлаш учун ишлатилади.

## IX. Якуний қоидалар

53. ТошДСИ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига белгиланган тартибда қўйидагиларга жавоб беради:

унинг ваколатига киритилган вазифаларни бажармаганлиги;

таълим жараёнида ўқув режа ва жадвалларга мувофиқ таълим дастурлари ҳажмини тўлиқ бажармаганлиги;

таълим жараёни вақтида Институтда таълим олувчилар ва ходимларининг ҳаёти ва соғлиги;

таълим олувчилар ва Институт ходимларининг хуқук ва эркинликларининг бузилганлиги;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига назарда тутилган бошқа ҳатти-харакатлар.

54. ТошДСИ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ белгиланган тартиб асосида қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши мумкин.

55. Мазкур Уставга белгиланган тартибда ўзгартериш ёки қўшимчалар киритилиши мумкин.

